

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 188 (10.243)

2004 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ



Юнусобод туманидаги 51-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Огул Вахобова 40 йиллик фаолияти давомида ўқувчиларнинг қобилиятларини чуқур ўрганиб, шунга мувофиқ дарс ўтишга ҳаракат қилади. Бу жонқуяр ўқитувчи ўтган йили «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

СУРАТДА: 51-мактаб ўқитувчиси Огул Вахобова дарс жараёнида.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

КЕЧА пойтахтда сайлов кампанияси билан боғлиқ биринчи гадаги вазифалар муҳокамасига бағишланган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди.

2004 йилнинг декабрь ойида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонуңчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов жорий йилнинг 26 декабрида ўтказилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан мамлакатимизда 2004 йил 20 сентябрдан сайлов кампанияси бошланди. Ўз навбатида жойларда минтақавий сайлов комиссиялари ўз ишини бошлади.

Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида Ўзбекистон Республикаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига асосан депутатлар томонидан шаҳар сайлов комиссиясига номзодлар кўриб чиқилди ҳамда 15 кишидан иборат унинг таркиби тасдиқланди (Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси таркиби эълон қилинмоқда).

Сессия кун тартибига, шунингдек, округлар кесимида сайловчиларнинг сайловда иштироки меъёрларини белгилаш масаласи ҳам киритилди. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига биноан Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов бўйича битта сайлов округи учун сайловчилар меъёри ўртача 20,9 минг сайловчи ҳисобидан белгиланди.

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ш.Нурматовни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини этиб тайинлаш тўғрисида

Шермат Нурматов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 сентябрь.

Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, мамлакатимизнинг Канададаги ўриндошлик бўйича элчиси Абдулазиз Комилов Оттавада Канада генерал-губернатори Адрианна Кларксонга ишонч ёрликларини топширди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. А. Кларксон Ўзбекистон кўп асрлик маданий меросининг жаҳон цивилизацияси учун аҳамиятини алоҳида таъкидлади ва Канада Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИ ЁРИТИШ ЮЗАСИДАН МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ЖУРНА- ЛИСТЛАРНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказди.

Журналистларни аккредитациядан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 1 октябрга қадар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси номига ОАВ ташкилотининг расмий бланкисига журналистни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

ётган журналистнинг 3x4 см. ўлчамдаги икки фотосурати;

ОАВ ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; электрон ОАВ учун — эфирга узатишга доир лицензия нусхаси; хорижий журналистлар учун — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси.

Мазкур маълумотлар акс этмаган ёки журналистнинг фотосуратлари илова қилинмаган аризалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Маълумотлар учун
телефон рақами:
139-16-09.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссия-
сининг Матбуот маркази.

XVI саҳоси

Барча маълумотлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Қорақалпоғистон Республикаси «Манавият ва маърифат» маркази ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастур асосида «Сайлов-2004» семинар-тренинг мажмуотлари бошланди.

• Кеча Тошкентда «COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг корпоратив облигациялар чиқариши бўйича тақдимот бўлиб ўтди. Облигациялар ҳажми 600 миллион сўм бўлиб, уч йил муддатга амал қилади.

• «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида бўлиб ўтган учрашув АҚШнинг «Procter & Gamble» компанияси ҳамда мазкур жамғарманинг ҳамкорлик истиқболларига бағишланди.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзақ ва Қўнғирот туманлари деҳқонлари пахта топшириш йиллик режасини бажардилар.

• Хивадаги «Ичан қалъа» давлат тарихий-меъморий музей-кўриқхонасида биринчи ўзбек фотосуратчиси ва кинооператори Худойберган Девоннов ижодиغا бағишланган кўргазма очилди.

• Жорий йилда Булоқбоши тумани Мамажон ота фермер хўжалиги раҳбари Тожибархон Отақўзиева тумандаги икки қишлоқ ўртасида спорт мажмуаси қуришни режалаштирилмоқда.

• Тошкент вилоятидаги Бурчмулла қишлоғида олмосларни қайта ишлашга ихтисослашган «Заргарлик» номли корхона ўз фаолиятини бошлади. Йил охиригача бу ерда 50-60 минг АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот чиқариш режалаштирилмоқда.

Жаҳонда

• АҚШ Президенти Жорж Буш Оқ уй томонидан Ливия давлатига 1986 йилда белгиланган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.

• Франция Президенти Жак Ширак назоратидаги партия мамлакат парламентидаги юқори палатаси — Сенатга бўлган сайловда мағлубиятга учради.

• АҚШнинг Флорида штатида етиб келган «Жанна» тўфони оқибатида қамида олти нафар киши ҳаётдан кўз юмди, дарахлар кулаши натижасида электр симлари узилиб, 1,5 миллионга яқин уй электр манбаисиз қолди.

• Буюк Британия молия вазирини Гордон Брауннинг таъкидлашча, Лондон жаҳондаги энг қашшоқ мамлакатларнинг қарзидан кечади. Бундай йўлни яқин орада Франция ва Канада ҳам туттиши кутилмоқда.

• Хитойда гайриоддий зотил-жам (SARS)га қарши вакцинанинг дастлабки клиник синовлари ўтказилмоқда. Вирус прототипи тўрт нафар кўнгилли кишига киритилди.

Иқтисодиёт

БОЗОР ВА ХАРИДОР

Ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнатлари учун яратилган қулай шарт-шароитлар, етарли хом ашё сифатли, рақобатбардош махсулотлар яратилишига асосий замин ҳисобланади.

«Асбобсоз» очик акционерлик жамиятида бугунги кунда 200 нафар ишчи-хизматчилар гайрат-шижоат билан фаолият кўрсатмоқдалар. Корхонанинг 3 та асосий — металл қирувчи, прессформа ҳамда штамповка ва ностандарт ускуналар ишлаб чиқарувчи цехларида сифатли хом ашёдан рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга ўз муддатларида етказиб берилмоқда.

Мазкур корхонага хом ашё асосан Россия ва Украина давлатларидаги «Днепросталь», «Ижсталь», «Челябинский металлургический комбинат» корхоналаридан келтирилса, 90 фоиз тайёр махсулотларини ўша давлатларга жўнатади, қолганини юртимизда фаолият юритаётган кишлоқ хўжалик ҳамда авиасозлик корхоналарига шартнома асосида тарқатади.

Корхона тadbиркорлари бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиб, жорий йилда ҳам 4 турдаги янги махсулотларни яратиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этдилар. Шунингдек, 2 хил янги асбоб ҳам ҳозирги кунда яратилиш арафасида.

ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

«Элга хизмат — олий ҳиммат» деган нақл бежиз айтилмаган. Ёш тadbиркор Нигора Отажонова кўплаб ҳамюртларимиз каби изланишни, ташаббусни ёқтиради, севган ишини гайрат-шижоат билан бажаришга интилади.

Пойтахтимизда жуда кўплаб ательелар мавжуд бўлса-да, тadbиркор аёл ўзининг «Нигора» модалар ательесини очишга жазм қилди. Жорий йил бошидан фаолият юритаётган кичик корхона бугунги кунга келиб кўплаб доимий mijozларига эга. Бу жамоада замонавий либослар ҳамда зардўзлик санъатининг моҳир усталари ҳамкор, ҳам-жиҳатликда меҳнат қилмоқдалар.

Жумладан, барча буюртмалар — кечки либослар ҳамда эксклюзив кийимлар ҳам mijozларнинг истақлари инобатга олиниб, 3-5 кунда сифатли адо этилади. Унумли меҳнат учун мазкур ательеда барча шарт-шароитлар яратилган. Энг замонавий, юксак самарали тикиш-бичиш машина, дастгоҳлари хориздан келтирилган бўлиб, сифатли матолар тез-тез янгиланиб турилади.

Mijozлар эса кўркам, қулай мебеллар билан жиҳозланган салонда қайноқки-на чой, қаҳфа ичиб, маҳаллий наشرлар билан танишишлари ёки телевизор томоша қилишлари мумкин.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда Сенатни шакллантириш юзасидан ҳаракатлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ахборот тингланди.

Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг мазкур ҳаракатлар дастури жорий йилнинг июль ойида қабул қилинган эди. Ўтган вақт давомида пойтахтимизда икки палатали парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунлар моҳиятини тушунтириш юзасидан тегишли ишлар олиб борилди. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси билан биргаликда шаҳар фаоллари ва сиёсий партиялар вакиллари иштирокида семинар-тренинг ўтказилиб, унда хусусан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг шарт-шароит

ва имкониятлар яратиш, сайлов жараёни субъектлари томонидан этик ва сиёсий меъёрларга риоя этилиши каби масалаларга аниқлик киритилди.

Бундан ташқари, шаҳар бўйича сайловчилар сони тахлил қилинди. Бу йилги сайловларда Тошкент шаҳри бўйича овоз бериш жараёнида 1,250 миллионга яқин сайловчиларнинг иштироки кутилмоқда.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов округларининг чегаралари ва номлари билан жойлашиш харитаси тайёрланди. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ Қонунчилик палатасига сайлов бўйича битта сайлов округи учун сайловчилар меъёри 119,6 минг киши ҳисобидан белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳри бўйича 11 та сайлов округи ташкил этилиши кутилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими раислигида жойларда сайлов комиссияларига ўз вақтида барча қулайликларга эга бўлган бинолар ажратиш, уларни тўлиқ жиҳозлаш, шу жумладан, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлаш, сайлов

билан боғлиқ бошқа масалаларда кўмаклаштиши доир бир нечта йиғинлишлар ўтказилди.

Сессияда туман ҳокимлари, тегишли тузилма раҳбарлари округ сайлов комиссияларига муносиб номзодларни танлаш, округ ва участка комиссиялари самарали фаолият юритиши учун тегишли талабларга мувофиқ жойлар ажратишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши ва қўллаб-қувватлаши, шунингдек, сайлов кампанияси мобайнида ободонлаштириш тadbирларини қўчайтириши ҳамда моҳияти ва долзарблигидан келиб чиққан ҳолда аҳоли томонидан билдирилаётган барча тақлиф ва эътирозларни ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Депутатлар томонидан Олий Мажлис ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий-техник чора-тadbирлар режаси тасдиқланди.

Сессияда Тошкент шаҳар сайлов комиссияси қошида матбуот маркази ўз фаолиятини бошлагани ҳам эълон қилинди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси таркиби

Комиссия раиси		
1.	Абдурахманов Алишер Абдуманнанович	«Технолог» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
Комиссия аъзолари		
2.	Алимова Ҳалимаҳон	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори
3.	Асқаров Алишер Ҳожиевич	«3-автокомбинат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
4.	Атажанов Мухамедкарим Расулович	«В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти қасаба уюшмаси раиси
5.	Зуфаров Муҳаммадjon Зоирович	«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси
6.	Исломов Жўра, Умарович	Тошкент Политехника касб-хунар коллежи директори
7.	Камалов Жамолiddин Сайфитдинович	Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари
8.	Қодиров Мажит	«Ўзбекистон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси
9.	Кузеванов Виктор Клавдиевич	«Қора металл қайта ишлаш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
10.	Қўлатова Дилбар Баратовна	«Тоштўқимачи» акциядорлик жамиятининг тикувчилар бригадаси бошлиғи
11.	Петасева Людмила Ивановна	Акмал Икромов туманидаги 194-мактаб директори
12.	Раҳимов Анвар Муталович	«Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти қасаба уюшмаси раиси
13.	Сабуров Нурмат Сабурович	Тошкент Давлат юридик институти 1-хуқуқ факультети декани
14.	Ҳасанов Абдумухтор Азизалиевич	2-Тошкент Юридик коллежи директори
15.	Ходжаева Малика Одилевна	Юнусобод туманидаги 2-шаҳар юкумли касалликлар шифохонаси бош шифокори

Хиндистондаги йирик олий таълим муассасаларидан бири-Жомия Исламия университетининг Учинчи дунё тadbикотлари Академиясида ўзбек тилини ўрганиш курси очилди. Мазкур «Ўзбек тили бўйича сертификат курси»да («Certificate Course in Uzbek Language») ўқиш муддати бир йил.

ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Йигирма икки нафар талабадан иборат тил ўрганувчилар гуруҳига хиндистонлик ёш тadbикотчи олим Шаҳид Таслим сабоқ бермоқда.

«Мен Тошкентдаги Шарқшунослик институтида қарийб икки йил таълим олганман. Ўша кезлари ўзбек тилини яхши ўрганиб олишга ҳаракат қилган эдим. Бугунга келиб Дехлидаги мўътабар дорилфунунда юртдошларимга ўзбек тилини Навоий тилини ўргатаётганимдан хурсандман. Бундай қизиқиш Ўзбекистонга, унинг халқига, тилига қизиқиш нечоғлик катта эканини англатади. Бунинг сабаблари кўп. Бобурийлар сулоласи мамлакатимиз тарихида ёрқин, ўчмас из қолдиришган. Узаро алоқаларимиз тарихи қадим ўтмишга бориб тақалади. Халқларимизнинг санъати, маданияти ва тилларида муштарак жиҳатлари талайгина.

Маълумотлар ҳафтада 3 кун олиб борилмоқда. Гуруҳда фақатгина мазкур университет талабалари ва ўқитувчилари эмас, балки ўзбек тилини ўрганишни истаган бошқа олий ўқув юр்தларининг ва турли ташкилотларнинг ходимлари ҳам бор.

«Биз яқинда очилган ўзбек тили курсининг истиқболига катта умид билан қараямиз, дейди унинг асосий ташкилотчиларидан бири, Жомия Исламия университетининг Учинчи дунё тadbикотлари Академияси профессори Хари Васудеван. «Биз мамлакатингиз тўғрисида зарур адабиётлар ва турли маълумотномаларни етказиб бераётгани учун Ўзбекистоннинг Хиндистондаги элчихонасидан миннатдормиз. Курс фаолиятини диққат билан кузатиб бораёман. Қисқа муддат ичида талабалар оддий сўзлашув кўникмаларини ўзлаштириб олишди. Биз ҳозир Ўзбекистондаги олий ўқув юр்தлари билан ўзаро илмий муносабас ва талаба айрибюролаш, икки томонлама малака ошириш билан боғлиқ масалалар устида иш олиб бораёмиз.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА Дехли



● **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсу таълим вазирлиги, боғ маъмурияти ҳамда «Туркистон» газетаси ҳамкорликда «Ватан ягонадир — Ватан

муқаддас» шиори остида ёшлар сайли бўлиб ўтди. ● **КЕЧА** шаҳримизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахтнинг тегишли тузилмалари билан ҳамкорликда эълон қилинган энг яхши хўжалик ҳисобида фаолият юритган умумтаълим муассасаси танлови ғолибини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. ● **КЕЧА** Бектемир туманидаги 289-мактабда ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган тadbир «Сизга таъзим, ус-тозлар» деб номланди. ● **КЕЧА** «Норудник» корхонасида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббуси билан ушштирилган тadbир яқинлашиб келаётган ўқитувчилар ва мураб-

бийлар кунига бағишланди. ● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 19,23-оилавий поликлиникаларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти тузилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Санъат
ОРКЕСТРНИНГ ЯНГИ КОНЦЕРТЛАРИ

Музыка шинавандалари эътиборини ўзига тортиб келадиган «Туркистон» камер оркестри ижросида янграётган асарлар ўзининг жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу истеъдодли санъат гуруҳи шу кунларда яна қатор концертлар устида иш олиб бормоқда.

Бу ижод намуналаридан бир нечтаси оркестрнинг янги концерт мавсумида ижро этилади. Мавсумнинг биринчи концерти ҳам қатор янги музикалардан ташкил тоғди. Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Икром Акбаров ижодида мансуб «Адажио» ҳам ушбу дастурдан ўрин олди. Бундан ташқари Европа композиторлари симфонияларидан парчалар ижро этилди.

Камер оркестри янги ижодий мавсуми давомида муҳлислари яна бир неча янги концертлар билан ҳушнуд этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

ЭКРАН АСАРИГА АЙЛАНГАН ДОСТОН

Ўзбек миллий қаҳрамонлик эпоси «Алломиниш» достони яратилганлигининг минг йиллиги муносабати билан бу машҳур фольклор асари бўйича қатор фильмлар юзага келди. «Ўзбекино» ижодий уюшмаси томонидан эълон қилинган танловда бир неча асар голиб деб топилди.

Қирқ қисмдан иборат «Алломиниш» киносценарийи эса танловда иккинчи ўрин совриндори бўлган эди. Фольклоршунос олим ва журналистлар Муҳаммадали Қўшмоқов ҳамда Шомирза Турдимовлар томонидан ёзилган бу сценарийлар асосида суратга олинган видеофильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, бу экран асарлари илмий-бадиий фильм янги юзга келди. Достон воқеаларини баён этишда фольклоршуносларнинг шарҳлари муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу сценарий бўйича радиофильмлар ҳам яратилиши кутилди. Ўзбекистон радиосида эфирга узатиладиган бу бадиий дастурлар эллик қисмдан иборат бўлади.

СУПЕР-КОМПЬЮТЕР ЁРДАМИДА

Тошкент юридик институтида талабалар ўртасида компьютер саводхонлиги кенг йўлга қўйилган. Ҳозир олий ўқув юртида 320 га яқин компьютер қурилмасидан фойдаланилмоқда. Шулардан бештаси «супер-компьютер» рўсумидаги «акъли машиналар сирасига кирди. Электрон ўқув дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа адабиётларни босмага тайёрлашда ана шу замонавий компьютерлар қўл келмоқда. Аини вақтда мультимедия фильмларини суратга олишда улар асосий техник восита бўлиб хизмат қилаётди.

Мультимедия фильмларининг янада сифатли бўлишини таъминлашнинг техник тадбирлари ҳам қўрилди. Шу мақсадда мультимедия фильмларини ёзиб олиш билан шуғулланувчи ижодий студия ташкил топди.

«Акъли» машиналар ёрдамида экран орқали турли экскурсия машқларини уюштириш мумкин.

Ақбар АЛИЕВ

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

ДЕМОКРАТИЯНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси (ИХДИБ) Эҳтиёжларини баҳолаш миссияси экспертлар ҳайъатининг Ўзбекистонга таширифи якунланди.

ЕХХТ экспертларининг мазкур таширидан асосий мақсад республикада кечаётган сайловолди кампанияси, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга тайёргарлик жараёнининг халқаро метёрларга мувофиқлигини ўрганиш ва баҳолашдан иборат эди.

Ҳайъат аъзолари Бухорода "Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиқ-ойдинлик ва ошқораликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари — дунё тажрибаси, метёр ва андозалар" мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этишди.

Меҳмонлар Марказий сайлов комиссияси ва мамлакат парламенти, республика вазирликлари ва идораларида, шунингдек, сиёсий

партиялар, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ҳамда Тошкентлаги дипломатик корпус вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Учрашувлар чоғида ИХДИБ экспертлари сайловларга тайёргарлик жараёни, унда сиёсий партияларнинг иштироки, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг фаолият юритиш шароитлари тўғрисида батафсил маълумот олдилар. Узро мулоқотларда Ўзбекистоннинг ЕХХТдаги мажбуриятларига содиқлиги, ЕХХТнинг 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген ҳужжатига ўз ифодасини топган сайловлар борасидаги метёрларга тўла риоя қилишга интиляётгани эътироф этилди.

«Жаҳон» АА

Собир Раҳимов туманидаги 196-ўрта мактаб ўқитувчиси Дилором Аҳмедова ҳам шундай эътибори мавқени қозона олган заҳматкаш инсондир.

Дилором она 1975 йили Тошкент Давлат педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси факультетини тамомлаб, 196-ўрта мактабда меҳнат фаолиятини бошлади. Мана, деярли 30 йил бўлдики, у айна шу таълим даргоҳида жажжи ўнл-қизларга сабоқ бериб келаётган. Аини пайтда Дилором Аҳмедова бошланғич синфлар метод биллашмаси раҳбари ҳамдир. Зеро, у ўзининг кўп йиллик тажрибаси, билимлари жамоадoshiларига, айниқса, ёш ҳамкасбларига тегишли йўл-йўриқ, муайян намуна сифатида ёрдам беришини астойдил истайди, шу ният йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилади. Дарсларни ўзига хос тарзда, болалар учун қизиқарли, жонли, серқирра йўсинда ўтказиш бўйича ёш муаллимлар Дилором оладан ўрганишса, ўрнат олишса арзийди, албатта.

— Мактабимизга тажрибали, изланувчан педагог Шоира Атаева директор этиб тайинланган, унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, синфларнинг таъмирланишига, жиҳозланишига доир катта қўлдамга ишларни ташкиллаштиришга, мунтазам илчил иш олиб борилишини таъминлашга улгурдилар, — дейди Дилором Аҳмедова ҳозирги пайтда кечаётган жараён ҳусусида гапирар экан. — Ўйламанки, Республикаимиз Президентининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш дастурини тайёрлаш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши умумий таълим мактабларининг моддий-техник базасини янада тубдан яхшилашга улкан шарт-шароитлар яратди. Бу омил эса таълим тизимини жаҳон ва замон талаблари даражасида шакллантириш, ривожлан-

қизиқарли, билимларга бой бўлиши учун қайиғрадиган жонқуяр мураббий сифатида турли тадбирлар доирасида самарали ишларни амалга оширди. «Китобим — офтобим», «Энг билагон ўқувчи», «Суперкитобхон» каби махсус дарслару танловлар шулар жумласидандир.

— Илмларни эгаллашга, китоблар ўқишга меҳр-муҳаббат, интилиш бошланғич синфларда тўғри шакллантирилса, ўқувчиларининг онгила, дунёқарашига маънавий, маданият масалаларига, китоб, газета-журналлар мутолаасига алоҳида эътибор умрбод барқарор қолади, — дейди Дилором Аҳмедова. — Болалар энг яқин, энг тўғри, энг ҳаққоний дўст — китоб эҳанглигини дилдан аниқлашга ишончим комил.

Таълим соҳасига, ўз мактабига садоқат жонқуярлик билан кўп йиллардан бери сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган, ўқитувчилик касбини шарафли фаолияти билан улуғлаётган Дилором Аҳмедовдан миннатдор юзлаб шогирдлар мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи учун турли жабҳаларда филокорона меҳнат қилишмоқда. Уларнинг кўплари ҳозирда ўзлари ҳам устоз, мураббий, муаллим. Табиийки, улар илк устозлари — Дилором Аҳмедова туғайли тафаккур тасаввурига, ҳаётга сингдирилган эзгу, боқий ананаларни, шарофатли тушунчаларнинг узлуксиз давом этишига, устувор бўлишига ҳисса қўшавердилар.

Гулчехра РАҲИМОВА

Ўқитувчилар ва мураббийлар кўпи олдидан

УСТОЗЛАРИ АНЪАНАЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИЛАР

Устоз, муаллим, мураббий... Маъно-мазмунлари теран, серқирра ушбу сўзлар замирида таълим-тарбия тушунчалари билан чамбарчас узвийлик мавжудки, касб-хунари айна шу сўзлар билан улуғланувчи инсон ўзига хос маҳорат билан ёш авлодга турли фанлардан таълим беради, жажжи ўнл-қизларни етуклик, баркамоллик йўлида тарбиялаб беради. У ўз соҳасига, ўз ишига қалб қўриши, меҳр-муҳаббатини, куч-қувватини қанчалик кўп бахш этса, шогирдларининг, ҳамкасбларининг, ота-оналарининг оташин, самимий иззату ҳурматига шунчалик кенг миқёсда сазовор бўлаверали.

тириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Дилором Аҳмедова ишлаётган 196-мактабда ҳозирда ўзгача аниқланмиш палласи. Ушбу даргоҳда ҳафтанин ҳар бир ўқиш кунни махсус белгиланган ишор остида ўтади. «Меҳр-муруват кун», «Китобсеварлар кун», «Моҳир кўлар», «Мусиқа», «Спорт», «Меҳнат» кунлари давомида ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам турли чора-тадбирларни, махсус дарслар ёки мусобақаларни ўтказиб, имкон қадар фаол, ташаббускор бўлишга интилишади. Ёш ақлодининг ҳар томонлама етуқ таълим-тарбия олишида шундай махсус тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш катта аҳамиятга эгаки, бу тажрибани кенгроқ миқёсда оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Дилором Аҳмедова мактаб ҳаётининг

Киевда Украина президенти Леонид Кучмага Мирзо Улугбек номли Ўзбекистон Миллий университети фахрий доктори дипломи, мангияси ва медалини тантанали тоштириш маросими бўлиб ўтди.

ЛЕОНИД КУЧМА — МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ ДОКТОРИ

Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов Украина давлат раҳбари ушбу мукофотга Ўзбекистон — Украина муносабатларини мустаҳкамлаш, фан ва таълим тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси учун муносива деб топилишини таъкидлади.

Л.Кучма ўз фаолиятига берилган юксак баҳо учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Миллий уни-

верситети ва Киев миллий университети ўртасида ўрнатилган яқин алоқаларни ижобий баҳолади.

Украина Президенти куйидаги сўзларни алоҳида қайд этди: «Мен Ўзбекистоннинг дўсти бўлганман, дўстиман ва ҳамisha дўсти бўлиб қоламан. Биз Ўзбекистоннинг минтақа ва жаҳонда тутган муҳим мавқенин яхши биламиз».

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Украина етакчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига юксак баҳо берди. Л.Кучма дастур республика таълим тизимини ривожлантиришда мустаҳкам асос, мамлакат иқтидорли ёшларини қўллаб-қувватлаш ва камол топтиришда муҳим рағбат бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳайъати Тарас Шевченко номли Киев миллий университети ташкил топилишининг 170 йиллик тантаналарида иштирок этди.

«Жаҳон» АА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўртаниб домо бўлаёт...

● Уч киши борки, уларнинг бадани ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир қуролсиз, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмас ҳам бирорта душман қилчидан захм ейтиши мукаррардир. Иккинчиси, ёш ва сохибжамол хотинга уйланган қари киши. Ёш хотин уни захарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йигитларга таъма кўзи билан қарайди. Учинчиси, бола-чақаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғрилари ўлдириб кетмасда, унинг ўзи боилгини кимга қолдириш ҳақида қайғуриб, азобда ўтади.

● Уч киши истеҳзода ва масхарага сазовордир. Биринчиси, жанг майдонига ботирилган қаторида тушиб, кўпгина душмани қилчидан ўтказдим, деб лоф урсада, бирор жойида на тилиниш ва на захм бўлмаган киши. Иккинчиси, илму ҳикмат йўлида ўзининг беҳад рибзат чекаётганини мактаган, аммо семиз ва юзлари қўпқизил бўлган киши. Учинчиси, ўзининг кимлиги ҳақида мактаниб, бирор киши ўзи билмаган нарса ҳақида савол берса, саволдан қўқиб, даҳшатга тушган киши!

● Уч киши доимо гаму андуҳга гирифтормир. Биринчиси, учқур оти бору аммо уни минолмаган ва минигиша қўрққан киши. Иккинчиси, дастурхонда хилма-хил лазиз таом бору аммо уни ёйишнинг улдасидан чиқмаган иштахасиз киши. Учинчиси, сохибжамол хотини бўлиб, ўзи хунук ва касал бўлган киши.

● Келтиришларича, Абуҷаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн дадаси ҳақида ҳикоят қилиб, шундай деган:

— Дадам бир кун менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатчилик қилма, улар билан ҳеч қачон суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» — деб сўрадим. Дадам: «Биринчиси фиску фуҷур ахли! Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилди. Бир лўқма нарса учун сени сотишдан таймайдилар. Уларнинг бир қисми лўқмапарастлардир. Уларнинг оdatи шуки, сендан бирон нарса таъма қилдилар. Агар бермасанг оғзини мойламасанг халқ ичидан ёмон гап таркатади, обрўингни туширади. Одамлар уларнинг гаюига ишониб, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар!» — деди.

Мен иккинчи тоифани сўрадим. У деди:

— Иккинчиси баҳил ва хасислардир. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, улар сенга ҳеч қачон бермайдилар. Сенинг молу давлатингга айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим қўлигимда дўстларим кўп эди. Фақирликка тушганимда улар душманимга айланишди, таъна тошини отишди! Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилардир. Кимда бу ҳислат борлигини сезсанг, ундан узокроқ бўл! Улар шаробга ўхшайдилар. Сени ўз яқинларингдан айириб қўядилар ва беғоналарга яқинлаштирадилар. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, аҳмоқ ва нодон кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат аста-секин кишига таъсир этади, тўри йўлдан оздиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа кишилар лақма, лаванг ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир.

Мақсур ўқув юрти Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус ташаббуси билан 1994 йилда мустақил ташкилот сифатида ташкил этилган бўлиб, бу ерда мактабгача таълимдан бошлаб то 12-синфгача мўлжалланган ўқув-тарбия жараёнлари турли миллат вакиллари учун халқаро таълим стандартларига асосланган ҳолда инглиз тилида амалга оширилади.

Тошкент халқаро мактаби Европа халқаро мактаблар кенгаши, шунингдек, Буюк Британия мактаб ва коллежлар уюшмаси тасдиғидан ўтган. Бу дегани мактаб дастури ҳам, унинг битирувчилари ҳам Европа ва АҚШ таълим стандартларига мувофиқ деб топилган ва махсус сертификатларга эгадир.

— Бугунги кунда бизнинг таълим даргоҳида 25 дан зиёд давлатдан болалар таҳсил олади, шу жумладан Ўзбекистонда фаолият юритаётган эл-

чихоналар, халқаро ташкилотлар, хоржий фирма ва компаниялар ваколатхоналари ходимлари фарзандлари ҳамда

ган, айниқса таълим жараёнларини хоржий ўқув юртларида давом эттиришга қизиқиш билдирган ёшларга бизда кўп

да ўзбекистонликларнинг аксарияти тўлиқ грант сохиблари бўлган.

Кувонарли томони шундаки, Тошкент халқаро мактабининг мураббий ва ўқувчилари мамлакатимизда ўтказилаётган аксарият олимпиадалар, турли дастурларда фаол катнашиб келади, бундан ташқари, мунтазам равишда махсус мактаб-интернатлар билан бир неча лойҳаларда иштирок этган, маҳаллий мактаблар жамоалари билан спорт мусобақалари ташкилотчиси ҳамдир. Ўқув дастурига Ўзбекистон тарихи ва маданияти киритилган, амалий машғулотлар сифатида ўқувчиларга Тошкентдаги тарихий обидалар, музейлар, маданият масканларига саёхатлар уюштирилади.

Бўлажак маросимга келсак, Тошкент халқаро мактабининг ўн йиллиги кўшалок байрам тарзида бўлиб ўтади. Гап шундаки, янги ўқув йилини мактаб жамоаси янги бинода бошлади.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

Халқкорлик

ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирлар доирасида пойтахтимизда фаолият юритаётган Тошкент халқаро мактабининг ўн йиллиги тантанали нишонланиши ҳам қўзда тутилмоқда.

Ўзбекистонлик болалар ҳам ўқиши учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди Тошкент халқаро мактаби директори Кевин Глас. — Ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорлигимиз доирасида болаларнинг танлов асосида бепул тарзда ўқитиш ҳам йўлга қўйил-

имкониятлар мавжуд. Кейинги йилларда мактабимизни битирганлар, шулар қаторида ўзбекистонликлар ҳам, Гарвард, Трент, Ричмонд, Индиана, Колумбия каби нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмақда. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бу бора-



Ўлкамизда кузнинг ҳазонрезги дамлари бошланди. Бу пайтда нафақат даладаги бободоҳқоннинг, балки шаҳарларимиздаги фаррошу боғбонларнинг ҳам юмушларига юмуш, ташвишларига ташвиш кўшилади. Кўча бўйидаги дов-дарахтларга шакл бериш, ёввойи ўт-ўланлардан тозалаш, гулларнинг уруғини йиғиб олиш, ер чопиш, буларнинг ҳаммаси кишилардан меҳнат талаб этади.

Қиш тайёргарлигини ёкитиради

ТУМАНДА ИШЛАР ҚИЗГИН

Бу каби ишлар кейинги пайтларда пойтахтимиз кўчаларида бекаму кўст адо этилаётганлигини илғаб олиш қийин эмас. Бунда, айниқса, шаҳар ободонлаштириш бош бoshқармаси ишчи-хизматчиларининг ҳиссаси катта. Шунинг учун ҳам кўчаларимиз чинидек тоза, обод, равон, кўз кўрса қувнайди.

Пойтахтнинг кенжа худудларидан ҳисобланган Бектемир туманида ҳам ободончилик ва орасталлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни Чирчик дарёси бўйидан ўтишингиз билан яққол ҳис қиласиз. Йўл бўйидаги бир-бириндан гўзал анвойи гуллар, кишин-ёзин ям-яшилликка бурканиб турадиган да-

рахтлар бир қарашдаёқ киши эътиборини тортади.

— Буларни шу ҳолатга келтириш осон бўлмади, — дейди туман ободонлаштириш бошқармасининг раҳбари Абдуқарор Қораёв. — Бунинг учун иш икки сме-нада ташкил этилди. Икки-та автомашина, иккита трактор ажратилган. Айни чоғда 100 нафардан зиёд кишидан иборат жамоа туман марказий кўчаларини ободонлаштириш ишларига қизгин киришишган. Хусусан, Х.Бойқарор ва Коржавина кўчалари бўйлаб экилган бир йиллик гулларнинг уруғлари йиғилди. Гул ўринлари чопилиб, маҳаллий ўғит билан тўйинтирилмоқда. Шу тариқа киши гуллар экишга ҳозирлик

қўрилмоқда.

Шунингдек, тўпланган ҳазонрезги баргллар ёқиб юборилмай, компост ҳолига келтирилиб, ўғит сифатида фойдаланилмоқда. Дов-дарахтларга эса тўлалигича шакл бериб чиқилди. Сув шохобчалари, қувур ва кўприклар чиқиндилардан холи қилинмоқда.

Бундан ташқари, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида кум, туз жамлаш учун махсус контейнерлар хозирлаш, муз қўчириш жиҳозлари, белқурак ва бошқа анжомлар шай ҳолатга келтирилмоқда.

Усмон АЗИЗОВ
СУРАТЛАРДА: туман ободонлаштириш бошқармаси жамоаси қишга ҳозирлик кўришмоқда.

Назм бейстонида

ТўРТЛИКЛАР

Оламга муҳаббат — эътиқод рамзи,
Одамга мурувват — эътиқод рамзи,
Бўлмаса Ҳамоҳанг тил билан дили
Кетади Инсоннинг эътибор, лафзи.

Виждонли, иймонли бўлган

Соф туйғу сугида йўғрилган жондир,
У нондек азиздир, кўрмас хор—зорлик,
Камолот биноси, пўлат кўрғондир.

Оқиллик, одиллик эзгу фазилат,
У хулқу атвор-ла тирик, улуғдир,
Кўнса гар орага зарра доғ, иллат,
Бу қоғоз гул янглиғ ҳидсиз, қуруқдир.

Иzzат—нафе қадрини билса ҳар киши,
Тинч, сокин ўтади ҳаёт, турмуши.

Бўлса у фарибгар, олчoқ, мактанчоқ,
Қазир гўр ўзига қизғир қилмиши.

Ҳаётда учраймиз ҳаромтовоққа,
Борамиз у билан қир, дала, боққа.
Маст, гаранг, ноғирон, нотавон каби
Судралиб, суяниб ҳасса, таёққа.

Ярашар одамга зийнат, зеб, ҳашам,
Бўлса у дидга мос, одми, мужассам.
Беўшoв кийиниб рўдапо янглиғ
Беринар баъзилар ҳашамга қасам.

Ақл ва гидрокнинг отаси шарм,
Одоб ва аҳлоқнинг онаси ҳаё.
Бўлса бу тўрт сифат инсондан нари
У етим кимсадир, чекар оҳ, нидо.

Ақл ва гидрокнинг бордир жиловни,
Дид билан фаросат унинг ўлчови.
Кимдаки оз экан бу ноёб ҳислат,
У ўтмас аррадир, умр эғови.

Майпараст билими, билмай оҳиста
Илтибар баянқай қармоққа, тўрга.
Сўнг миниб тойчоққа чавандоз мисол,
Йўл олар қаро ер қазрига, тўрга.

Ёшлик—баҳордаги сайроқи қушдир,
Гўё уйқудай ранг-баранг тушдир,
Ҳар лаҳзаси тенгсиз қудратдир,
Қадрига етмасанг умринг бўш, пучдир.

Асли аччиқ мева аччиқдир, ҳатто
Унинг шоҳи, барги, илдиизигача.
Асло ширин бўлмас асал сув билан
Минг бора сўғорсанг бўғизигача.

Ҳар битта дарахтнинг меваси турфа:
У аччиқ, гоҳ нордон, гоҳ асал
Қандир.
Айни худди шундай инсон зотин ҳам
Энг ширин меваси — бола,
Фарзандлар.
Искандар РАҲМОН

Ранг-баранг олам

**ПАРИЖ
МЎЖИЗАСИ**

Бутун дунёга машхур Париждаги Бибмарям ибодатхонаси Франциянинг тимсоли ҳисобланади.

Париж тарихининг гултожиси бўлмиш бу ибодатхона — нақ мўжизанинг ўғинаси. Ибодатхона Франциянинг энг қадимий қисмида, Сити оролидаги Сена дарёсининг ўрта қисмида жойлашган. Унинг қурилиши жуда узок давом этган. 1163 йилдан 1250 йилгача қурилиш ишлари давом эттирилиб, фақатгина 1345 йилдагина ибодатхона тўлиқ қуриб битказилган. Франциядаги энг гўзал ибодатхоналар ичида энг машхури Бибмарям ибодатхонасидир. Баландлиги 60, айланаси 90 метрни ташкил этган ибодатхонанинг жанубий қисмига узундан-узок зинапоялар орқали кўтарилиш мумкин. Оғирлиги 15 тонналик баҳайбат кўнгирак фақат ўта муҳим тантанавий саналарда чалинади. Мазкур ибодатхона ниҳоятда чиройли ва ажойиботларга тўла бўлиб, уни айланба, томоша қилиш учун ролпароса 2 ҳафта вақт керак бўлади. Бибмарям ибодатхонасида бир соат мобайнида кўрганларинг, ибодатхона ҳақидаги тасавурлар бутун умр эдингда қолади.

**ЯНА БИР
МИКРОВЕРТОЛЁТ**

Барчамизни хайратга солувчи баҳайбат самолёт, улкан вертолёт ҳамда катта-катта кемаларнинг энг кичик моделлари яратилган.

Бу каби микросамолёт ва микровертолётлар кишининг хайратини янада оширади.

Тиниб-тинчимас олимларнинг бунданга кичик моделларни яратиш бора-бора оқиб бораётган излашлари эса баттар ажаблантиради.

Seiko Epson компанияси томонидан яратилган UFR-II микровертолётни дунёдаги энг кичик вертолёт эмас экан. Оғирлиги 6,9 грамм бўлган Rexito микровертолётни ўтган йилнинг кузига да белгийалик авиамоделчи Александр ван де Рестине яратди.

UFR-II вертолётининг оғирлиги эса 8,6 граммни ташкил этар эди. Rexito тузилиши, конструкциясига кўра анча мукамал. Мазкур микровертолёт махсус пулт орқали бошқарилади.

**ГРУЗИЯНИНГ
САХИЙЛИГИ**

Грузия Республикаси раҳбарияти давлатга ташриф буюрувчи саёҳатчиларга яна бир имконият яратди.

2 сентябрдан бошлаб саёҳатчиларга вақтинчалик визалар тўғридан-тўғри аэропорт ва портлардан бериладиган бўлди. Энди сайёҳлар Грузияга бемалол келишлари мумкин.

Интернет хабарлари асосида

Дилобар МУСАЕВА тайёрлади



Ранг-баранг, анвойи гуллар инсонга ҳамиша завқ бағишлайди. Гуллар билан шахримиз, кўча-ховлиларимиз файзи, кўрку таровати ўзгача.

**ДОНОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ**

Пойтахтдаги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида АҚШ-нинг АЙРЕКС ташкilotи ҳамкорлигида «Ўзбекистонда донорлик хизматининг долзарб муаммолари» мавзусида анжуман ўтказилди.

Донорлик хизмати инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Маълумки, донорлар икки тоифага бўлинади. Биринчиси доимий донорлар бўлиб, бу гуруҳдагилар қон қуйиш станцияларида рўйхатда туради ва ҳар ойда тиббий кўрикдан ўтади. Иккинчи гуруҳ донорлари асосан беморнинг қариндош-уруғлари ва ўз хоҳиши билан қон топишувчилар ҳисобланади. Донорлардан олинган қон чуқур лаборатория тахлили-

дан ўтгандан сўнг, натижалари ижобий бўлсагина шифоналарга фойдаланиш учун юборилади. Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида айни пайтда бу хизмат бирмунча жонланди. Институтга ҳар куни элик нафарга яқин донор қон топиради. Бу яхши натижа, аммо қоннинг ҳавфсизлигини таъминлаш тиббиёт олдидаги асо-

кейин ҳаммага эшиттириб, савол берибди:
— Нима, қозонинглар биттагинами?!

яна сўрабди:
— Илмий унвонингиз борми?
— Бор бўлганда қандок, —

Қизиқчилигимиз тарихдан

**МУХЛИСЛАРГА КУЛГИ
УЛАШИБ...**

Ҳаётда шундай одамлар борки, улар билан гаплашиш ҳар қандай кишини яйратиб юборади. Раҳматли Адхам Ҳамдам ана шундайлардан эди. У билан суҳбатда бўлган таниш-билишлар уни «Фаргона Афандиси» ёки «Афандининг невараси» деб қўйишарди. Хатто, 1968 йили Францияда чиқадиган «Юманите» газетасининг муҳаррири Андрей Вюрмсер Тошкентга келганида Адхам ака таърифни эшитиб, Фаргона водийсига атайлаб борганди. У Адхам Ҳамдамдан жуда кўп латифанома ҳикояларни эшитиб, шунингдек ўз кўзи билан кўрган кулгили воқеаларни француз тилида «А.Ҳамдам ўғли — хозирги замон Насриддини» деган сарлавҳа остида ёзиб, газетанинг икки саҳифасини тўлдириб, эълон қилганди. Жумладан, бу йирик мақолада шулар ҳам ёзилганди: «Адхам паст бўйликкина, жуда хушчақчақ бир одам. У кўпни кўрган, кўп нарсага ақли етадиганлардан, кўпинча кулгили образларни, воқеалар-ҳолатларни, ажойиб латифаларни тўқиб, кулдиришни яхши кўради. Дунёга машхур ёзувчи Чарльз Диккенсдагидек унинг толган гапларини таржима қилиб, ўзидагидек чиқариш қийин. Аммо, Диккенс сингари Адхам сезгир ва жиддий бўла олади. Бундай иш унинг кўлидан келади!»

Бу саволдан ошпазлар ха-лолаб кулиб юборишибди.

**КУЛДИРИШ
ШИФОКОРИ**

1977 йили Адхам Ҳамдам Кримдаги «Ўзбекистон» сихатгоҳида дам олиб келади. У кишидан «Дам олишлар қандай ўтди?» деб сўраганимизда қуйидаги қизик бир воқеани айтган эдилар.

Кўпчиликни кулдириб юрган Адхам ақани кузатган сихатгоҳнинг бош шифокори у кишини ўзининг хизмат хонасига чорлаб, сўрабди:

— Жуда хушчақчақ одам кўринасиз, касбингиз нима?

— Касбимиз сизга ўхшаб шифокор, — дебдилар Адхам ака ҳазил аралаш. Бош шифокор бу ҳазилни чин фахмлаб

дебдилар яна кулимсираб, — фан номзодимиз.

— Қайси соҳа бўйича илмий иш олиб боргансиз?

— Сочни асраш бўйича, — дебдилар тепалак бошларига имо қилиб.

— Бўлмаса, — дебди шифокор, — илтимос, бугун кечга яқин клубимизда ёш аёлларга сочини асраш тўғрисида маъруза қиласиз, келишдикми?

— Келишдик! — дебдилар аскарчасига ҳеч бериб. Шундан кейин Адхам ака сайр қилиш учун Қора денгиз қирғоғига кетибдилар. Кечга яқин келсалар сихатгоҳ дарвозасидан киришлари билан катта ҳарфларда ёзилган эълонни кўрибдилар: «Бугун санаторий клубида тиббиёт фанлари номзоди А.Ҳамдамов «Ёш аёллар

сочини асраш» тўғрисида маъруза қиладилар. Қизикқан барча ёшларнинг иштирок этиши сўралди!» Бу эълонни ўқибқор Адхам ака шоша-пиша бош шифокор хонасига кирибдилар. «Мен сизга ҳазил қилганим, бошқача тушунибсиз», дебдилар.

— Ҳазил-пазилингизни билмайман, клубда кўлларига қоғоз-қалам ушлаб, ёш қиз-жувонлар сизни кутиб ўтиришибди. Қани, юринг! — дея бош шифокор Адхам ака аввал борча қиққан Адхам ака аввал сочлар ва уларнинг турлари ҳақида бир амаллаб сўзлабдилар. Қарасалар, айтганларини тинловчилар бирма бир ёзиб олаётганмиш. Улар диққатини чағлитиб учун дебдилар:

— Энди ёзмай, айтган гапларимни каллангизга яхшилаб жойлаб олинг! Хўш, шу кунга тим қора, майин хушбўй хидли сочларингизни, хатто кўриб турибман, орангизда тилло ва қумшўранг сочлилар ҳам бор экан, уларни қандай умрингизнинг охиригача асрайсиз?! Бунинг учун шухардаги ҳўжалик дўконларидан яп-янги қайчи ва целлофан халтачасини оласиз, хозирги гўзал сочларингизни ярмидан шартта қирқиб, унга жойлаб, сандиққа солиб қўясизлар. Кечсайиб, сочингиз менга ўхшаб қолганида сандикни очиб, целлофандаги сочингизни олиб, яхшилаб искаб, «Ох, менинг ёшликдаги гўзал сочингиз!» дея эслайсизлар!...

Клубда ёш аёллар кулгиси бир неча дақиқа гуриллаб турибди. Шунда Адхам ака кўлларини силкиб, кулгини тўхташиб, уқдирибдилар:

— Узр, сингиллар! Мен тиббиёт фанлари номзоди эмас, кулдириш фанлари номзодиман. Эълонни ёзганлар янглиш ёзишган! — деганларида клубда яна кулги авжга чиқибди...

Ҳандапас Олим КўЧОРБЕКОВ

Спорт

**«ШАРҚ ҒЎЗАЛИ»ДА
— ГИМНАСТИКА-
МИЗ МАЛИКАЛАРИ**

**Маълумки, эртага шах-
римиздаги «Ўзбекистон»
спорт мажмуасида илк
бор бадий гимнастика
бўйича жаҳон Кубогининг
босқичи — «Шарқ ғўзали
— 2004» халқаро турнири
нуфузли мусобақаси
бошланади.**

Ҳозирда ушбу йирик халқаро мусобақага барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Жумладан, Россия, Белоруссия ва Руминиядек гимнастика ривожланган давлатлардан қатнашчилар бирин-кетин келмоқда. Айниқса, турнирда Европа чемпиони ва олимпиада ўйинлари ғолиби Алина Кабаевадек жаҳон гимнастикаси бетимсол юлдузининг иштироки мусобақа нуфузини янада оширади.

Гимнастика ишқибозларини куйида «Шарқ ғўзали»да иштирок этувчи мамлакатимиз гимнастика маликaları билан таништириб ўтамыз.

1985 йилда туғилган халқаро тоифадаги спорт устаси Анастасия Берестецкаяни энг кучли гимнастикачимиз дея таърифласак адашмасак керак. Зеро, Анастасия Ўзбекистон чемпиони, 1999 йили Туркияда ўтказилган халқаро турнир ғолибаси, 2002 йилги Осиё ўйинлари чемпиони бўлган.

Ундан бир ёш кичик Олеся Ашаеванинг маҳорати ҳам дунгосидан қолишмайди. Халқаро тоифадаги спорт устаси талабларини бажарган Олеся бу йил Ўзбекистон чемпиони бўлиш билан бирга Осиё чемпионатининг бронза нишонларини ҳам қўлга киритган.

1988 йилда туғилган спорт устаси Екатерина Бабина ва 1989 йилда таваллуд топган спорт усталигига номзод Маргарита Алимоваларнинг маҳоратлари ҳам деярли тенг — улар Ўзбекистон чемпионатининг совриндорлари ва Осиё чемпионати қатнашчилари бўлишган.

1989 йилда туғилган спорт усталигига номзод Раъно Мухаммедованинг ҳам халқаро турнирларда тажрибаси бўлмасда, у ёш, умидли гимнастикачиларимиздан саналади.

Биз ёш, маҳоратли гимнастикачиларимизга халқаро мусобақада омад тилаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Номи эл оғзига тушиб қолган талантли артист Кимсан Ҳақбердиев тутоқиб директор хонасига кирди.

— Кетаман. Мана аризам, — деди у қўлидаги бир варақ қоғозни стол устига қўйиб.

— Тинчликми? — сўради директор унга маъноли тикилиб.

— Қадримга етишмагандан кейин нима қиламан бу театрда... Уша арзанда режиссёрингиз ишласин.

— Нима бўлди айтинг? Менинг хеч нарсадан хабарим йўқ.

— Кеча ўқилган янги пьесадаги бош ролни Фармонхўжага топширибди.

Директор гап мазмунига тушунди. Жилмайиб аста ўрнидан туриб, Кимсан Ҳақбердиевга яқин келди.

— Ахир ёшларни ҳам кўтаришимиз керакда. Сиздек талантли артистларимиз уларни оталиққа олишмас...

— Эй, бунақа жўжахўроларнинг кўпини тарбиялаганмиз. Театрга елка сиқиб келишдада, қўлидан сал иш келган, сени назар-писанд қилмай қўйишди. Бўлди. Жонга тегди. Кетаман. Қўл қўйинг.

— Ҳай майли ўйлашиб кўрайлик, — деди директор маъюслашиб, балки...

— Барибир кетаман. Босган изимизни кўзга суртадиган театрлар кўп. «Ойли маошингизни мунча қилиб бераман, бир ой ўтмай, заслуга оласиз. Мана бунақа шариит яратиб берамиз» — деган ваъда-

лар билан ишга таклиф қилаётганлари борки...

Хонага режиссёр Замон Искандаровнинг кириб келиши билан Кимсан Ҳақбердиев унга ёвқараш қилди-ю, гапини тугатмай, эшикни тарақлатиб чиқиб кетди.

Унинг аризаси бўйича кечкурун хайъат аъзолари йиғилишди. Кўпчилик Ким-

театрга кетди. Эшитишимизга қараганда у: «Сизлар ҳам қадримга етмадиларингиз. Шу пайтгача заслуга ололмадингиз. Вақт борида этагимни ёпай», — деб жўнаб қолди.

Янги театрда ҳам Кимсан Ҳақбердиевнинг номи таралди. Лекин бу ерда ҳам «афсуски раҳбарлар унинг қадрига етишмабди».

...Бир йил олдин тасодифан бу машҳур санъаткорни Вазираликнинг театр бошқармаси эшиги олдида учратиб қолдик. У бир таниши билан суҳбатлашиб турарди.

— Ёшинг ўтгандан кейин шу эканда. Ёшлар бир четга суриб қўйишаркан. Зора бирор театрда ишга жўнатишса деб келган эдим.

Шу воқеадан сўнг кўп ўтмай Кимсан Ҳақбердиевни бир ўйда кўриб хайрон бўлиб қолдик. У ўртада бор овози билан «Воҳай бола»ни айтар, қош-кўзларига сурмани қалин қилиб суртган бақалоқ жувон лапанлаб ўтирганларга ёшига ярашмаган муқом қиларди. Даврага тушган ёшгина бир йигит «хонанда» ва «рак-қоса»нинг чаккасига 100 сўмдан шилдирама пул қистириб ўтирди.

Кимсан Ҳақбердиев йигитга миннатдорчилик билдириб, таъзим бажо келтирди. Назаримда гўё энди у ўз «қадрини» топгандек эди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

ҚАДРИГА ЕТИШДИ

Ҳажвия

сан Ҳақбердиевнинг ишдан бўшатилишига қарши чиқди. «Театрга шунақа обрўли, талантли артистлар керак», дейишди. Артистнинг хизматларини кўкларга кўтаришди. Режиссёр ҳамманинг олдида ундан кеҳирим сўради. Йўқ, бўлмади. Кимсан Ҳақбердиев «Кетаман», деб туриб олди. Маъмурият уни маҳбуран ишдан бўшатди.

Кўп ўтмай Кимсан Ҳақбердиев вилоят театрларидан бирига ишга ўтди. У ерда ўйнаган роллари ҳақида республиканинг таниқли театршунослари матбуотда рецензиялар билан чиқишди. Артист шаънига самимий, илиқ гаплар айтилди. Бироқ орадан бир йил ўтмай Кимсан Ҳақбердиев у ерни ҳам тарк этиб бошқа

Табиаат ажойиботлари

**ҲАР БИРИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТИ БОР**

Маълумки, ҳайвонот олами вакиллари орасида ҳашаротлар турли-туманлиги ва сон жиҳатидан кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги кунда ер юзида ҳаммаси бўлиб 1,5 миллиондан зиёдроқ ҳашарот турлари мавжуд. Энтомолог олимларнинг тахминларига қараганда, қурраи заминда яшаб турган ҳар бир кишига 250 миллионга яқин ҳашарот тўғри келади.

Кутб вилоятларида ва баланд тоғли туманларда яшайдиган ҳашаротлар кўпинча қорамтир рангда бўлади, сабаби қорамтир ранг кўёш нуруни яхши ютади. Шунинг учун ҳам ҳашаротларнинг тана ҳарорати бошқа муҳит ҳароратига қараганда анча юқори бўлади.

Садафдор деган капалакнинг жуда ажойиб хусусияти бор. Унинг тана ҳарорати 32-35 даража атрофида бўлади. Жазирама иссиқ кунда ҳам капалакнинг тана ҳарорати ўзгармайди. Ҳашарот бунга қандай эришади. Капалак қанотига нурнинг кўп ёки кам тушуши унинг қанотга нисбатан перпендикуляр турган пайтида содир бўлади. Капалакнинг тана ҳарорати 35 даражага етганда у қанотининг кўёшга нисбатан бўлган ҳолатини ўзгартиради.

Маълумки, пашшалар узунчоқ хартумчаси ёрдамда озикланади, лекин унинг хартумчаси овқат таъминини сезмайди. Яқинда аниқланишича бундай вазифани пашшанинг оёқлари бажараркан. Унинг олд оёқларида жойлашган нозик жун толлари пашша хартумчасидаги асаб толлари билан боғланган бўлиб, улар пашша кўнган жисмининг емишли эканини аниқлаб беради. Шунингдек, пашша оёқларининг учиде жажжигина ёстиқчалар бўлиб, унда жуда кам миқдорда ёпишқоқ модда ишланади, ана шу модда ёрдамда пашшалар силлик девор ва уйларнинг шифтига ёпишиб бемалол дам оладилар.

Ҳашаротларнинг яна бир қизиқ хусусияти шундаки, уларнинг тана ҳарорати ташқи муҳит ҳароратига тўғри келмайди. Масалан, учин олдидадан мускулларнинг қисқариши туфайли гавда ҳарорати 35-40 даражагача кўтарилади. Ҳашаротларда антифриз вазифасини глисерин бажаради. Бундай антифриз киш кунлари тана ҳароратини 37 даражада ушлаб туради.

Ёзинг иссиқ кунларида кеч кириб қўёш боғиши олдида шундай манзарани кузатиш мумкин. Истироҳат боғида ёки

автобус бекатида турган баъзи бир кишиларнинг боши устида майда чивинлар галаси пайдо бўлади. Улар ўша одамни тарк этмасдан унинг тепасида муттасил учиб юради. Маълумки, ҳар бир киши ўзидан ҳар хил даражада иссиқлик чиқаради, шунинг учун ҳам баъзи бировлар юкумли касалга чалинмайди. Ўзидан кўпроқ иссиқлик чиқарадиган одамлар пашшалар галасини ўзига жалб қилади.

Ҳашаротларнинг жамоа бўлиб яшаши уларнинг хулқ-атворида ўзига хос ўзгаришларга сабаб бўлди. Масалан, асалари оиласи барча индивидлар жамоаси эмас, балки бир бутун организмдир. Унда барча индивидлар организмнинг айрим аъзолари вазифасини бажаради. Бу борада дастлабки кузатишлар ўта қизиқ. Гап жамоадан ажратиб олинган айрим ҳашаротлар устида боради. Уларга ўта яхши шариит яратиб берилади. Улар тез орада ҳалок бўлади.

Асалари одамни чаққанидан кейин унинг ўзи кўпинча ҳалок бўлади. Сабаби шундаки одамнинг териси юмшоқ ва чўзилувчан бўлгани боис асалари нишларини қисиб олади ва ари наштарини кўпинча суғуриб ололмайди, бунинг устига наштарининг икки ён томонида орқага қайрилган арра тошлари бор, бу эса наштарни суғуриб олишни янада қийинлаштиради. Демак, одам терисиде наштар билан бирга асаларининг захар бези ва қисман ичаклари ҳам қолиб кетади. Натижада асалари ҳалок бўлади.

Умуман асаларининг умри қисқа бўлиб, икки ойдан ошмайди, фақат она ари бир неча йил ашайди, асалари боласи ўсиб улғайган сари унинг бажарадиган юмуши ҳам ўзгариб боради. Масалан эндигина дунёга келган ари боласи инининг катакларини тозалайди. Тўрт кунлик бўлган уядаги личинкаларга қарайди, саккиз кундан сўнг энагаллик қилади ва ҳоказо.

ЯХЁ ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори

**МИЛЛИЙ МЕРОС ВА
ХАЛҚ САНЪАТИ**

Тошкентда Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институти, Республика «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Миллий мерос ва халқ санъати аъналарини» мавзусида анжуман ўтказилди.

Унда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари ва соҳа мутахассислари иштирок этди. Ёшлар онгига миллий мерос ва аъналарини сингдириш борасида мамлакатимизда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда ўзбек халқи ўзининг ўлмас мероси, маданияти ва санъати билан дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшганлиги ва бу мерос ёшлар орасида ҳам қадрлангани лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, миллий санъатимизни ривожлантириш йўлида тўсқинлик қилаётган муаммолар муҳокама қилинди.

Анжуман ўз ишини архитектура ва санъат тарихи, тасвирий ва амалий безак санъати, халқ байрамлари, замонавий мусика санъати, бадий мероснинг талқинлари каби шўбабаларга бўлиниб олиб борди.

«Туркистон-пресс»

Сўра

**ҲАМКОРЛИҚДА
ЯРАТИЛГАН
МОНОГРАФИЯЛАР**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг иқтисодий илмий-теҳириш институти томонидан олиб борилаётган изланишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Чет эллик олимлар билан биргаликда яратилаётган йирик тадқиқотлар эса халқаро аҳамият касб этмоқда.

Россия иқтисодий олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқот натижаси ўлароқ «Ўтиш даврида бозорнинг давлат томонидан бошқарилиши» деб номланган монография юзага келди. Москвада чоп этилган мажур йирик илмий нашрда Россия билан Ўзбекистон учун муштарак бўлган иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос томонлари ўз ифодасини тоғди.

Илмий муассасанинг польшалик иқтисодчилар билан алоқалари ҳам яхши самара бермоқда. «Ўзбекистон: тарих — жамият — сиекат» деган номда чоп этилган китоб бу фикрнинг ёрқин исботи бўла олади.

Мажур монография Варшавадан босмадан чиқди.

Анвар ВАЛИЕВ



**Бош муҳаррир
Акромов АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70,
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-36.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2756 нускада босилади. Контр бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнииз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-хонаси.